

АҚШнинг нуфузли нашрларидан бири — «The Diplomat» Марказий Осиёда коронавирусга қарши қандай курашилаётгани ҳақида мақола эълон қилди.

(<https://thediplomat.com/2020/03/how-is-central-asia-handling-covid-19/>)Қувонарлиси шундаки, ушбу таҳлилий материалда коронавирусга қарши Ўзбекистон танлаган йўл муваффақиятли экани алоҳида таъкидланган. Ҳукумат барча маълумотларни очиқ ва ошкора эълон қилаётгани ҳамда аҳоли ахборот олиши учун бепул интернетни йўлга қўйгани қайд этилган.

Мақола муаллифи Koronavirus Info (@koronavirufouz) канали фаолиятига ҳам тўхталган ва унда 1,2 миллиондан зиёд обуначилар кунлик маълумотларга эга бўлаётгани таъкидлаб, ушбу муваффақиятлар бошқа мамлакатлар учун ҳам ўрнак бўлиши кераклиги айтилган.

2020-04-02 20:59:41